



**ФМТ** ФОНД ЗА МЕЖДУНАРОДНУЮ  
ТОЛЕРАНТНОСТЬ

International Alert.



# МЕДИАТОРНИНГ ЁН ДАФТАРЧАСИ



**USAID**  
ОТ АМЕРИКАНСКОГО НАРОДА



# МЕДИАТОРНИНГ ЁН ДАФТАРЧАСИ

Бишкек - 2013

Мазкур хужжат Европа Иттифоқининг Transition and Rehabilitation Alliance for Southern Kyrgyzstan (TASK) томонидан амалга оширадиган молиявий күмаги билан “Кирғизистонда ихтилофларни бартараф этиш ва тинчликни куриш” Лоихаси доирасида ишлаб чиқилган.

Мазкур материалнинг маъзмуни учун масъулиятни «Интернешнл Алерт» (International Alert) ва “Ҳалқаро холислик учун” Фонди (ХХФ) тўлалигича зиммасига олади. Бу материал хеч қанақа вазиятда Европа Иттофоки позициясини мавкин акс эттирумайди.

Бу нашр Америка ҳалқининг АҚШнинг ҳалқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатган олийхиммат кўмаги туфайли амалга оширилди. Нашрнинг мазмуни учун масъулиятни «Интернешнл Алерт» (International Alert) ва “Ҳалқаро холислик учун” Фонди зиммаларига олади. Материал (USAID) ёки АҚШ Хукумати нуқтаи-назарини ифода этмайди.

© «Интернешнл Алерт» (International Alert) ва “Ҳалқаро холислик учун” Фонди, 2013.  
Барча хукуқлари химояланган. Мазкур нашрнинг хеч қандай қисми эшиттирилиши, қидирув системасида сақланиши ёки ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар, электрон, механик, фотокўчирма, ёзиб олиш ёки бошқа йўллар билан, манбаисига ишора қилмасдан узатиш мумкин эмас.

Макет ва безаш бажарилди Максат Болотбеков.

## **Ҳалқаро ташкилот Алерт (International Alert) тұғрисида**

International Alert – йигирма олти йиллик иш тажрийбасига әга бўлган мустақил тинчликни ўрнатиш ташкилоти, тинчликни ўрнатиш имкониятларини яхшилаш мақсадида, куролли ихтилофлардан жабр тортган кишилар билан ишлайди. Бундан ташқари биз хукуматларнинг, БМТ сингари ҳалқаро ташкилотларнинг сиёсати ва ёндошувларига, ва транснационал компанияларининг таваккалчилик йўналишларини камайитиришга ва тинчликни малакасини оширишга таъсир этишга ҳаракат қиласиз.

Биз Африкада, Осиёнинг бир қатор регионларида, Жанубий Кавказда, Яқин Шарқда ва Лотин Америкаси мамлакатларида ишлаймиз, яқинда Буюк Британияда лойиҳаларни амалга ошира бошладик. Бизнинг сиёсатни шакллантиригш юзасидан ишимиз тинчлик ва хавфсизлик максадларига таъсир килишни қамраб олади. Асосий йўналишлар: иқтисодиёт, иқлим ўзгаришлари, гендер, ҳалқаро ташкилотлар урни ва вазифаси, инсонпарварлик ёрдами самараси ва самарасиз/ самарали давлат бошкаруви оқибатлари.

Биз дунёдаги етакчи тинчлик ўрнатувчи нодавлат ташкилотларидан биримиз: бизнинг Лондондаги офисимиизда 159 хизматчи иш юритади, Бутун дунё бўйича 14 регионал идораларимиз фаолият кўрсатади. Бизнинг қаерда ва қандай ишлашимиз тўғрисида ўзингизнинг [www.international-alert.org](http://www.international-alert.org) сахифамиизда кўпроқ маълумот олишингиз мумкин.

## **“Халқаро холислик учун” Фонди тұғрисида**

“Халқаро холислик учун” Фонди (ХХФ) – бу низоларни бартараф этиш ва тинчлик йўли билан ҳалқ қилиш сохасида ишлайдиган нодавлат ташкилотидир. Фонд 1998 йили БМТ нинг Қочоқлар иши бўйича Олий Комиссарияти кўллаб-куватлаши туфайли 1996 йили амалга оширилган “Ихтилофларни бартараф қилиш ва холисликка ўргатиш” лойихасининг давоми сифатида ашкил этилган.

Бугунги кунгача Фонд томонидан 100 дан ортиқ лойиха ва дастурлар амалга оширилди. “Халқаро холислик учун” Фонди марказий осиёда эихтилофларни бартараф этиш ва ҳалқ қилиш юзасидан иш олиб бораётган энг ийрик ва тажрибали ташкилотлардан биридир. Фонд таркибида турли милатдаги, ёшдаги ва малакадаги 20 дан ортиқ хизматчи ишлайди. ХХФнинг бош идораси Бишкеқда, учта филиали Баткен, Ош, ва Жалолободда жойлашган. Фонд Кирғизистон, Тожикистон, ва Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотларни бирлаштирувчи “Тинчлик водийси” тармоғининг асосчиси хисобланади. Фонд бир қатор ҳалқаро тармоқлар аъзоси, шунинdek Маркази Осиёда куролли ихтилофларни бартараф этиш бўйича Глобал шериклик (GPPAC) нинг Регионал Координатори хисобланади.

## КИРИШ

1. Лойиха ҳақида қисқача маълумот
2. Қўлланманинг мақсад ва вазифалари

## БИРИНЧИ БОБ. ИХТИЛОФЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ АМАЛИЙ УСЛУБ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ

1. Ихтилоф бу нима?
2. Ихтилофларни ҳал қилиш усуллари
3. Ихтилофларни ҳал қилиш стратегиялари

## ИККИНЧИ БОБ. МЕДИАЦИЯ

1. Медиациянинг асосий чегаралари
2. Медиациянинг босқичлари ва амалиётдан мисоллар.
3. Фойдали маслаҳатлар

## ҚЎЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

## ИЛОВА

# КИРИШ

8

## ДАСТУР ХАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Ҳалқаро нодавлат ташкилотлари иттифоқи – TASK, 2011 йилда “Қирғизстанда можароларни бартараф этиш ва тинчликни ўрнатиш” дастурини амалга ошира бошлади. Мазкур қўшма дастур Европа Комиссиясининг молиявий кўмагида “Барқарорлик қуроли” компаненти\булаги доирасида амалга оширилади.

Дастурнинг мақсади – можароларнинг келиб чиқиш манбаалари ва факторларини юмшатиш, тинчлик ва барқарорликни илгари суришдан иборатдир. Бу мақсадга Қирғизистонда можароларни бартараф этиш бўйича 100 та бир мақсадга йўналтирилган ҳамжамиятлар урни ва максадини кучайтириш, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун қўшимча имкониятиларни яратиш, кескинликни юмшатиш ва умумий тинчлик манфаатларини илгари суриш орқали эришилиши лозим. Лойиханинг асосии максадга йўналтирилган гуруҳи ҳамжамиятнинг оқиз ва жабрланган аъзолари, аёллар, ёшлар ва кичик бизнес вакилларидан иборатдир. Дастур, Қирғизистоннинг Ўш, Жалалобод, Баткен вилоятларида шунингдек бир қатор тадбирлар Чуй области географик доирасида амалга оширилади.

“Бир мақсадга йүналтирилган ҳамжамиятларда маҳаллий ихтилофлар (тортишувлар)ни ҳал қилиш бўйича медиаторлар тармогини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш” дастуридаги бир бирини тўлдирувчи олти йўналишнинг бир таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам “Ҳалқаро хайриҳохлик учун” (FTI, Қирғизистон) фонди “Интернешнл Алерт” (International Alert, Буюк Британия) ташкилотлари билан ҳамкорликда медиаторлар учун мазкур қўлланма ишлаб чиқилди. Шунингдек олдинга қўйилган вазифа доирасида “Қирғизистонда медиацияни қўллаш амалиётидаги тажрибалар тўплами” сингари бошка қўлланма ҳам чиқарилган. Қўлланмада республикада ўрин олган медиация амалиётлари тўғрисида кенг маълумот беради.

# 10

## ҚҮЛЛАНМАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мазкур маълумотнома энди бошлаётган ва малакасини ошираётган медиаторлар, шунингдек давлат тузилмалари, маҳаллий жамоатчилик муассасалари вакиллари ва ўз фаолиятида ихтилоф ва можароларни тинч ҳал қилиш билан шугулланаётган барча манфаатдор шахслар учун амалий қўлланма ҳисобланади.

*Қўлланмада можаро ва ихтилофларни ҳал этишининг мутаносиб усули сифатида медиацияни ўтказиш тўғрисида кенг тушунча берилади, шунингдек ихтилофлар асосининг назарияси ўз аксини топган. Медиациянинг ҳар бир босқичи тушунарли бўлиши учун амалий мисоллар билан қўшиб олиб борилади.*

## БИРИНЧИ БОБ.

# ИХТИЛОФЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ АМАЛИЙ УСЛУБ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ

### **Ихтилоф, бу нима?**

Бугунги кунда “ихтилоф” тушунчаси түғрисида бир қатор аниқламалар мавжуд. Улардан энг кўп оммалашган ва чуқур маънога эга бўлган аниқламаларга тўхталиб ўтамиз. “Ихтилоф” – бу икки ёки ундан ортиқ максадлари (фикрлари, эга бўлган нарсалари) бир бирига мос тушмайдиган томонлар (одамлар ва гуруҳлар) ўртасидаги муносабатdir.

Ҳар қандай ихтилоф ўзида бунёдкорлик ва вайрон қилувчи хусусиятга эга. Мунозарасиз тараққиёт бўлмайди. Ихтилоф ва муаммоларни ҳал қилиш жараёни ҳам жамиятга олға силжиш имконини бериши мумкин. Акс ҳолда, ихтилофларга менсимаслик билан қаралса ва вақтида ҳал қилинмаса у бунёдкорлик босқичидан ўтиб, вайрон қилувчи босқичга кириши мумкин. Масалан, Фарғона водийсидаги ҳамжамиятлар ўртасидаги кўлгина ихтилофлар суғоришдаги эскирган услублар, сувдан фойдаланишдаги хатолар, сув ва ер ресурсларининг камлиги ва бошқа камчиликлар билан боғлик. Шунинг учун ҳам ихтилофлар мавжуд муаммоларни биринчи ўринга “чиқармоқда”, жамият эътиборини ўзига қаратиш билан ҳал этилиши учун замин тайёрлайяпти. Бироқ уни ҳал этиш учун вақтида чора кўрилмаса, ихтилоф томонларнинг тажовузкорлигига сабаб бўлиши ва тўғридан-тўғри зўравонлик даражасига этиши мумкин.

*Шунинг учун ҳам ихтилофлар тўғрисида аввалдан башорат қилиш ва уни келгусида вайрон қилиш босқичига ўтишига йўл қўймаслик – ихтилофлар билан боғлиқ энг муҳим масалалардан биридир. Ҳозирги замондаги жамиятда ихтилофлар сони тоба ора ўсиб бормоқда. Шу боисдан ихтилофлар табиатини, улар қандай пайдо бўлиши ва уларни ҳал этишининг қандай самарали усуллари борлиги тўғрисида чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинмоқда.*

### **Ихтилофларни ҳал қилиш усуллари**

Ихтилофларни бартараф этиш учун бирор бир чора кўришдан аввал шундай йулланишинийлаб топиш керакки, сизнинг фаолиятингиз вазиятга ўзининг салбий таъсирини етказмасин, уни янада мураккаблаштирмасин. Ҳаракатимизни ихтилофнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишимиз керак. Ихтилофларга нисбатан сезгирилик, аник мураккаб вазиятдан чиқиш тўғрисидаги ҳар қандай ташаббус ихтилофларга ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини ўtkазиши мумкин деган тахминларга асосланади.

*Ихтилофларга нисбатан сезгирилик ташкилотингизнинг қобилиятини белгилайди:*

- ўзингиз ишилаётган муҳитни англай билиш;
- муҳитдаги ўзаро муносабатни ва ўз фаолиятингизни англаб етиш;
- кўрилаётган тадбирлардаги салбий оқибатларнинг олдини олиш ва ижобий таъсирини ошириш учун бу (муҳитнинг ва жавоб тадбирларининг) ўзаро муносабатини тушунган ҳолда ҳаракат қилиш.

Шундай қилиб ихтилофни ҳал қилиш мақсадида унга аралашган одам ёки ташкилот “зарар етказма” тамойилига амал қилиши лозим. Низоларини ўрганиш ва тахлил қилишдан бошлаб то конкрет тадбирларни амалга оширишгача бўлган барча ҳаракатлар ана шу тамойил билан ўлчаниши керак. Токи сизнинг аралашишингиз масалага иложи борича оз салбий таъсир этсин ёки умуман салбий таъсир кўрсатмасин.

### **Ихтилофга маҳаллий доирада аралашиб юзасидан ҳаракатлар:**

- фикрларни ўрганиш ва кузатиш;
- ҳамжамиятни ихтилоф билан ишлашга сафарбар қилиш;
- ахборот ишлари;
- ўз қарорини таклиф этиш.

**Фикрларни ўрганиш ва кузатиш –** бу ихтилоф жараёнида зиддий вазиятнинг ривожи тўғрисида ахборот йиғаётган шахслар ҳаракатидир. Кузатувчилар жиддий вазиятда юз бераётган воқеликларни кузатиб борадилар ва ўзларининг объектив кузатув натижаларини, ахборотларни тахлил қилиш марказига жўнатадилар. Тартиба кўра, бу фикрларни ўрганишни амалга ошираётган ташкилотнинг тахлил бўлими ҳисобланади. Фикрларни ўрганиш тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек оммавий ахборот воситалари, ҳукуматнинг, шериклик тармокларининг ва тинчликни ўрнатиш ташкилотлари тегишли бўлимларига юборилиши мумкин.

Зўровонликка олиб келиши мумкин бўлган хавфли факторлардан бири кўпинча хақиқатга яқин ва ўйлаб топилган миш – мишлардир. Шу боисдан у ёки бу ахборотнинг хақиқатга яқин эқанлигини баҳолаш, бошқача қилиб айтганда, олинган ахборотни қайта–қайта текшириш муҳимдир.

Кузатувчи ихтилофнинг яширин босқичидан то қачон тажовуз босқичигача бўлган ўзгаришларни кузатиб бориши мумкин. Агар шундай тенденция аникланса, мунособат билдириш, маҳаллий даражада шошилинч чораларни кўриш учун ахборот етказиш услубларига мурожаат қилиш керак. Вазият тўғрисида ахборот ундан унумли фойдаладиган ташкилотларга етказилиши лозим.

**Ҳамжамиятни ихтилоф билан ишлашга сафарбар қилиш** – бу ҳамжамиятнинг барча табақаларини умумий муаммоларни ҳал қилишга фаол жалб этишдир. Аниқроғи, бу маҳаллий ҳамжамиятлар ҳамкорликда бош муаммони аниқлаш, сабаб ва оқибатларни тахлил қилиш, кучли ва заиф томонларини, ташқи имконият ва хавфни аниқлаш, мавжуд ва зарур ресурсларни боҳолаш, сўнгра вазиятни ўзгартириш юзасидан стратегияни ишлаб чиқишига ёрдам берадиган жараёндир. Шу боисдан ихтилофли вазиятни ўрганишдан унга таъсир қилишга ўтиш жуда муҳим қадам ҳисобланади. Ихтилофни яхши томонга ўзгартириш ва тинчликни ўрнатиш имконини берадиган тадбирларда у ёки бу йўл билан қатнашадиган кишилар, ташкилотлар ва тизимлар ҳар доим топилади. Энг юқори самарага эришиш мақсадида бу кишиларни сафарбар қилиш, жалб этиш жуда муҳимдир.

**Ахборот ишлари** – бу аҳолининг маълум гуруҳига (бир мақсадга йўналтирилган гуруҳи) таъсир этиш юзасидан тадбирлар тизимининг мажмуасидир. Тартибга кўра, бу тадбирлар фуқороларда ўзларига, шунингдек жамиятга фойдали бўлган юриш–туришнинг янги моделларини таркиб топтириш учун оммавий ва шахсий ахборот етказишнинг турли восита ва қаналлари (ОАВ, турли акция ва х.к.) кўмагида амалга оширилади. Ахборот ёрдамида таъсир этиш қандай амалга оширилади? Одам маълум бир соҳада билимларини оширади, маълум предмет ёки ҳодисага нисбатан муносабатини ўзгартиради, жамиятдаги юриш–туришнинг ижобий малакаларини шакллантиради.

Ахборот камомати ихтилофнинг кучайишига хизмат қилиши мумкин. Ёмон алоқа тизими ихтилофни кучайтиради, унинг қатнашчиларига бир-бирини ва умуман бутун вазиятни тушунишга ҳалақит беради. Вазият яна шу билан чуқурлаши мумкинки, бундай ҳолларда одамлар орасида бошқарип бўлмайдиган ижтимоий муҳитни вужудга келишига, можарога янги кишиларнинг жалб қилинишига олиб келадиган турли миш-мишлар пайдо бўлади. Бу можаро ва муаммоларнинг ҳал қилинишини янада мураккаблаштиради.

**Ўз қарорларини таклиф қилиш** – бир қарорга келган, шуниндек ундан тўғридан- тўғри фойдаланиш имкониятига эга бўлган кишилар билан ихтилофни бартараф этишга қулай у ёки бу қарорга даъват қилиш юзасидан бевосита олиб бориладиган ишлар назарда тутилади. Ўз қарорларини, шуниндек қонунларга адолат ва тинчлик ғояларини қўллаб-кувватлайдиган ўзгартишларни киритиш юзасидан таклифларини билдириш мумкин.

## Ихтилофларни ҳал қилиш стратегиялари

Қачонки, инсон ихтилофли вазиятта тушиб қолар эңан, вазиятдан чиқиш йўлларини излайди. Тартибга кўра, улардан бирини танлаб олиши мумкин бўлган уч асосий стратегия мавжуд:

- *ҳокимиятга асосланган стратегия,*  
- куч билан бостириш;
- *хукуқларга асосланган стратегия,*  
- суд хукми;
- *манфаатларга асосланган стратегия,*  
- ўртамчилик/медиация.

### Услублари

#### Куч билан бостириш

### ҲАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ихтилоф қатнашчиларидан бири ёки учинчи томон томонидан фақат бир томон учун кулай бўлган қарорни қабул қилишга мажбуrlаш мақсадида куч қўллаш.

Куйидаги ҳолларда қўлланилади:

- қулай позиция, ресурсларга ва аниқ куч афзалликларига эга бўлган бир томонинг устунлиги шароитида;  
- ҳар қандай сусткашлик янада кўпроқ талофат ва зўравонликка олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган чораларини кўриш учун фавқулотда вазият вужудга келганда.

Бу услуг қарор қабул қилишда қарама-карши томонларининг паст даражадаги иштироқи билан ҳарактерланади. Шунинг учун ҳам қарорларнинг барқарорлиги паст бўлади.

## Суд хукми

Қарор қабул қилишга қарама-карши томонларнинг бири эмас, учинчи томон (судья) мажбур қилади.

Бу услугуб учун ҳал қилишнинг аниқ ишлаб чиқилган, қонун томонидан мустахкамлаб қўйилган иш тартиби, шунингдек ихтилоф қатнашчиларига ижро учун учинчи тараф томонидан қабул қилинган қарор мажбурияти билан ҳарактерлидир.

Қарорнинг қабул қилинишида қарама-карши тарафларни қандайдир даражадаги иштироки ҳам бўлади. Улар ўз далилларини келтириши, шунингдек ўз фикрларини билдириши мумкин. Бирок қарорни учинчи томон қабул қилади.

Қарама-карши томонлар учинчи томон ёрдамида ўзаро қулай битимларни излайдилар.

МЕДИАТОР – музокаралар жараёнида муаммоларнинг унумли муҳокама қилинишини таъминлайдиган учунчи томон.

Бундай ҳолда натижа қарама-карши томонларга боғлиқ бўлади, у иккала томон манфаатларини қондириши керак.

## Медиация

### Медиацияни асосий чегаралари

Тұғридан – тұғри музокаралар натыжа бермаган, томонлар үртасидаги алоқа қаналлари бекилгандың көзінен бир вақтда вазиятдан чиқыш учун учунчи томон аралашыши мүмкін. Ана шу учинчі томон медиатор бўлиши мүмкін.

*Медиация –бетараф учунчи томон иштироқида баҳсларни ечишининг муқобил ва яширин усулидир. Медиатор ана шу ролни бажаради. У томонларга узаро қулай ва узоққа мўлжалланган, баҳсларни бартараф этишга ердам берадиган қарорларни ишлаб чиқиша кўмаклашади.*

Мазкур аниқлама асосида медиациянинг куйидаги белгиларини кўрсатиш мүмкін:

- Медиатор баҳслашувчи томонларнинг бири ҳам, вакили ҳам эмас, бу унинг мазкур баҳсадаги бетарафлиги ва номанфаатдорлиги гаровидир.
- Медиатор баҳс юзасидан қарор чиқармайди, балки томонларнинг ўzlари тинчликнинг умумий, узаро қулай шартларига келишишига ёрдам беради.
- Медиатор тинчлик ўрнатувчи шахс эмас. У ихтилофнинг ўткир даври бошлангунга қадар, ёки ўткир давр қайтгандан кейин, умуман ихтилофнинг энг юқори босқичида эмас, балки нисбий тинчлик шароитларида фаолият кўрсатади.

## **МЕДИАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ:**

- Медиатор барча томонлар билан бирга ишлайди ва уларнинг вазиятига киради, бошкалардан ажралиб, иштироқсиз турмайди.
- Барча томонлар ихтиёрий равишда бу жараёнда иштирок этиши ва у ёки бу медиатор билан келишиши керак.
- Медиатор бахснинг барча иштирокчиларига бир хил ёрдам беришга интилиш керак.
- Медиация объектив хақиқатни топишни эмас, балки ўзаро мақбул қарорга, аниқроғи қарама-қарши томонларнинг манфаатлариға бир хил мос тушадиган қарорларнинг қабул қилинишини мақсад қилиб қўяди.
- Медиатор воситачилик жараёнини олиб боради ва назорат қиласди. Бирок у муҳокаманинг мазмунини бошқаришга интилмаслиги керак.
- Ихтилофнинг муқобил қарори томонларнинг ўзларидан чиқиб, улар келишувни тан олиши ва унга нисбатан масъулият сезиши лозим.

## **Медиаторнинг асосий сифатлари:**

**Эшита билиш.** Сабрлилик кўрсатиш, эътиборли бўлиш, бошқа кишилар гапларини, улар тўғрисини гапиряптилар, деган нуқтаи-назардан эшитиш.

**Мунозара, таҳминийликка мойил бўлмаслик, мунозалардан ўзини тийиш.** Шахсий фикрини билдиришдан тийилиш ва хатто бирга ишлаётган кишилар сизни бошқача тутишга мажбур қилган вазиятда ҳам танқиддан ўзини тия билиш; “Оралиқ варианtlари” билан келиша

билиш, ягона түғри қарорни топишга интилмаслик; одамлар ўртасидаги тафовутларга сабрлилик билан муносабатда бўлиш; мутлақо турли одамларнинг фикрларига, ғояларига, конструктив муносабат билдиришни билиш.

### **Ўзини хотиржам тувишни билиш.**

“Мураккаб” хулқ-атвориларга ижобий ва адолатли муносабатда бўлиш; ақлни бир жоига қўйиш ва хатто руҳий босим бўлган чоғда ҳам ғазабланмаслик, ижодий фикр юритиш.

**Тўғрилигича қолиш ва одамларни энг яхши сифатларини намоён қилишини рағбатлантиришни билиш.** Бошқа одамларнинг тажовузи туфайли бўлган умидсизликларни самарали изга сола олиш; ўзига айтилган салбий фикрларни кўнлига яқин тутмаслик; ҳар доим ҳакиқатгўй оптимист бўлиб қолиш; бошқалар билан яхши алока қилиш малакасини эгаллаш, вақти келганда бошқаларнинг кўнглини кўтариш; насиҳат қилиш ёки матонатли бўлиш.

**Сирни сақлай билиш.** Қарама-қаршилар томонлар билан ишлашда ихтилофларга қадар, ихтилофлар даврида ёки ундан кейинги муаммоларни муҳокама қилишда сир сақлашга тайёр туриш.

**Ташкилотчилик.** Ўз фаолиятини тартибга солиш қобилиягини мустакамлаш, одамларни юз бераётган воқеликлардан огоҳ қила билиш, медиация ўтказаладиган жойни тўғри танлаш, тайёрлаш, шунингдек хужжатлар билан ишлаш малакасини ошириш.

Айни вақтда дунё амалиётида, айниңса медиация тұғрисидаги қонунчилікта бир мунча чекловлар борки, бу мұхим тадбирни ўтказында уларга амал қилиш лозим бўлади, жумладан:

*1. Медиацияни қарама-қарши томонлар бир бирига қарши фаол тажавузкорлик билан ҳаракат қилаётган ихтилофнинг энг юқори босқичида ўтказиб бўлмайди.*

2. Барча қарама-қарши томонлар ихтиёрий равишда медиация тадбирида қатнашишга розилик бериши керак, уларни ҳеч ким мажбурлай олмайди.

*3. Одатда агар ихтилофнинг бош сабабчиси оғир ёки энг оғир жиноий жавобгарлик бўлса, медиацияни ўтказиб бўлмайди.*

4. Қарама-қарши бир томон ёки бир неча томон суд томонидан нолойик топилган тақдирда ҳам медиация ўтказилмайди.

*5. Агар ихтилоф медиацияда қатнашмайдиган учинчи бир томон манфаатларига дахлдор бўлганда ҳам медиацияни ўтказишига йўл қўйилмайди.*

6. Мабодо, ихтилоф давлат манфаатларига зид бўлиб, уюшган жиноятчилик ёки жиноятчилик билан боғлиқ бўлганда медиация ўтказилмайди.

7. Медиатор ишига тўсқинлик қилинганда ёки унинг хаёти ва соғлигига хавф туғилганда ҳам медиация ўтказиш мумкин эмас.

*8. Агар медиаторнинг ўзи бу усул билан ихтилофни ҳал қилиб бўлмаслигига жиiddий сабаблар борлигини билганда ҳам медиация ўтказилмайди.*

## МЕДИАЦИЯНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА АМАЛИЁТДАН МИСОЛЛАР

Медиациянинг ҳар бир босқичи Қирғизистонда ўтказилган медиация амалиётидаги мисоллар билан кўшиб олиб борилад. Бу бобда медиациядаги ҳар бир босқичнинг назарий ва амалий қисмлари кўрсатилган.

### Амалий тажрибалардан мисоллар:

Бишкек шаҳри районларидан бирида маҳаллий тадбиркор камтаъминланган оиласига ўзининг қўшимча биноларидан бирини бўшатиб берди. Оила икки кишидан – 15 ёшлик ўспирин бола ва унинг онасидан иборат эди. Улар ички мигрантлар хисобланиб, она турмуш ўртоғидан ажрашгандан кейин ичкликка берилиб кетади. Ўғли эндиғина З синфи тамомлаган эди. Ота-оналар ажрашишгандан кейин боланинг хужжатлари ва қизиқиши бўлмаганлиги учун ўқимай қўйди. Устига-устак бола кам учрайдиган сүяқ касаллигига чалинган эди. Шу боисдан у сурункали оғриб турарди. Хуллас, бола жисмоний ва руҳий тушкунлик туфайли заиф эди.

Кунларнинг бирида бола хўжайнининг дуконидан 30 минг сўмлик товарни ўғирлайди. Хўжайнининг сўзларига кўра, дастлаб болага нисбатан хеч қандай шубха бўлмаганди. Милициянинг тергов ишлари натижасида ўғирликни шу бола содир этқанлиги аниқланди. Шундан сўнг иш судга ўтказиб берилди.

Медиаторлар бу ишга тергов ишлари олиб борилаётган даврда (2-3-ойларда) аралашдилар. Медиаторлар мазкур ихтилоф тугрисида хабар берган судлар ва иштимоий соҳалар ходимлари билан 4 ой давомида тифиз ҳамкорликда иш олиб бордилар.

## МЕДИАЦИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ

*Медиацияга тайёргарлик босқичи- бу томонлар үзаро сұзлашувларни бошлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратыб берадиган табдірлар мажмусидир. Босқич, үз наебатида, қуидаги тартибдан иборат.*

**1. Медиация қандай бошланади?** Медиация тадбири қарама-қарши томонларнинг бири ёки ихтилофни ҳал қилишдан манфаатдор бўлган ҳар қандай томон медиаторга (ёки медиаторлар ташкилотига) ихтилофни юмшатиш учун мазкур тадбириň үтказишни таклиф қилгандан кейингина бошланади. Таклиф ихтиёрий равишда – оғзаки ёки ёзма равишда берилиши мумкин. Воситачилик тадбири барча қарама-қарши томонлар медиацияда иштирок этиш тўғрисидаги таклифни қабул қилган вақтдан бошланади. Агар бир томон ёки иккала томон ҳам мазкур таклифдан бош тортган тагқидирда медиация тадбири үтказилиши мумкин эмас.  
Илова 1. Қарама – қарши томонларга медиацияда қатнашиш учун бериладиган таклиф-мактубининг намунаси.

**2. Медиатор қандай танланади?** Медиаторни тайинлаш босқичида томонлар қуидаги икки масалани ҳал қиласадилар: биринчиси, медиаторларнинг сони, иккинчиси - медиаторлар таркиби, айнан у ёки бу мелдиаторнинг номзоди аниқланади. Бунда томонлар медиаторни ўзлари танлашлари ёки бу масалада тегишли муассаса ёки шахслар ёрдамига мурожаат қилишлари мумкин.

**3. Медиация тадбирига бевосита тайёргарлик қандай олиб борилади?** Тайёргарлик икки йўналишда олиб борилади. Биринчи, тадбирга ташкилий – техник жиҳатдан тайёргалик кўриш. Бу тадбирнинг барча қатнашчилари учун қулай бўлган жой ва вақтни белгилаш. Иккинчи, учрашув қатнашчиларининг руҳи ва ахборот билан таъминланиш тайергарлиги. Руҳий тайёргарлик медиатор томонидан ҳам, баҳс субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, медиатор тадбирни ўтказиш шакли ва йўл-йўриқларини танлайди, уни бошидан охиригача ўтказиш тартибини ўйлаб топади. Томонлар руҳиятшунос ва ихтилофшунослар ёрдамини сўрашлари ҳам мумкин. Шунинdek ана шу босқичда ахборот тайёргарлиги кўрилади, яъни мазкур баҳс бўйича ахборот йиғилади, зарур бўлиб қолса экспертлар билан маслаҳатлашишлари, мутахассисларни жалб қилишлари мумкин.

### Биринчи боскич: Медиацияга тайёргарлик

Суд маъмуриятидан ўзи ишини кўраётган бир ихтилоф тўғрисида ахборот тушди. Суд билан медиация ташкилоти ўртасида унча оғир бўлмай, медиация воситасида ҳал қилиниши мумкин бўлган суд жараёнлари тўғрисида ҳамкорлик қилиш ва ахборот айрибошлаш тўғрисида келишув бор эди.

Даставвал айбланаётган бола ва унинг онаси билпн иш олиб борилди. Алкоголга боғланиб қолган она жавобгарликни зиммасига ололмасди ва учрашувда ўғли учун ваколат беролмас эди. Шу боисдан медиаторлар боланинг холаси, онасининг синглисини жалб қилдилар. У анча тушунган аёл бўлиб, болага норасмий вакил сифатида катноаша оларди.

Хўжайин, жабрланган томон сифатида, дастлаб ғазабланди. Жаҳли чикиб, энг каттиқ жазо берилишни талаб қилди. Унга медиация тадбири таклиф қилинганида, ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш учун учрашув ва музокараларга бораолмаслиги тўғрисида баҳоналарини рўкач қилди. Шунга қарамасдан унга медиаторлар агар фикрини ўзгартиrsa учрашувга бориш ва сухбатлашиши мумкинлиги тўғрисида ахборот қолдириб кетдилар. Бир хафтада кейин медиатор хўжайинга учраб, медиация тўғрисидаги фикри ўзгаргани ёки ўзгармаганлиги тўғрисида сўради. Шундагина хўжайин ҳамкорлик қилишга ва айланувчи билан учрашишга розилик берди.

Учрашув жойи тўғрисида келишиб олинди. Бу жой томонларнинг фикрларини хисобга олган холда танланди. Хатто бинонинг танаффус чогида дам олиш учун қўшимча хоналари ҳам бор эди.

Бола билан ҳам олдиндан иш олиб борилди. Унга медиацияда иштирок этишининг фойдали томонлари тушунтирилди.

Бола ўз айбини бўйнига олди. Дастлаб пул унга операция қилдириш учун кераклигини айтди. Чунки оғрик унга тинчлик бермас эди. Аввалдан олиб борилган ишлар давомида шундай қизик факт аниқландики, боланинг айтишича, ўғриликка боришга қандайдир эркак-онасининг таниши уқдирган экан. Боланинг такидлашича, ўша одам пулнинг катта қисмини олган.

Қолган пулга чўнтақ телефони сотиб олганлигини, ўртоқларини ҳам музқаймоқ билан меҳмон қилганлигини гапириб берди.

Медиация ихтилофни судга етказмасданоқ ҳал қилишнинг қўшимча бир усули бўлди. Медиаторларга, энг муҳими, томонлар ўзаро бир бирларини тушунган эдилар.

### МЕДИАЦИЯ

*Медиация босқичи – баҳсплашаётган томонларнинг бевосита учрашуви бўлиб, бу ерда медиатор воситачилик вазифасини бажаради. Медиация кун тартибига томонларнинг мавжуд қарама-қаршиликни муҳокама қилиши масаласи қўйилади, ўзаро мақбул қарорлар ишлаб чиқилади. Медиаторнинг вазифаси томонлар ўртасида самарали сўзлашувни таъминлашдан иборат.*

Медиация тадбири ўз навбатида аниқ бир мантиққа қаратилиши керак:

**1. Кириш.** Медиатор томонларга бу тадбир, ўзининг ва томонларнинг вазифалари тўғрисида қисқача гапириб беради, ўзаро мунособатларнинг асосии қонун-қоидаларини (масалан бир-бирларининг сўзини бўлмаслик, нафсониятига тегадиган гапларини гапирмаслик ва х.к.) белгилайди, медиациянинг асосий тамойилларини тушунтиради. Медиатор жараённинг холис ташкилотчиси бўлади, томонларга сўзлашувнинг бошланишидаёқ музокараларда келишувга эришиш учун томонларга ижобий жиҳатдан ёрдам беради. Кун тартиби бўйича келишув сўзлашувлар жараёнида муҳим роль ўйнайди, томонларга бир-бирлари билан музокара қила олишлари ва бир битимга келишишлари мумкинлигини кўрсатади.

#### Иккинчи босқич: Кириш.

Медиация маросимида она-бола, хола, дўкон эгаси, медиатор, шуниндек ижтимоий ташкилот ходимлари (икки киши) қатнашди, улар иккала томонни ҳам кўллаб-кувватладилар.

Дастлаб маросимнинг барча қатнашчилари жараён қонун-қоидалари тўғрисида келишиб олдилар, сўнгра ҳар бир томонга ўз позицияси тўғрисида гапириш имконияти берилди.

**2. Томонларнинг кириш сўзлар.** Ҳар бир томон вазият тўғрисида ўз нуктаи-назарини билдиради. Ҳар бир чикишдан кейин медиатор туриб айтилган фикрни, деталларини аниқлаган ҳолда бир оз юмшатиб қайта сўзлаб бериши мумкин. Бу кўпинча томонларга бир-бирини хақиқатдан ҳам эшитиш имконини беради. Айниқса томонларнинг бевосита бир-бирига мурожаат қилмасдан, медиатор воситасида сўзлашувлари катта ахамиятга эга. Шундан сўнг томонлар муаммо тўғрисида ўз кўз қарашларини билдиргач, бир-бирларига луқма ташлашлари, бирор нарсани аниқлашлари ёки қўшимча қилишлар мумкин.

### Иккинчи босқич: Томонларнинг кириш сўзлари.

Бола ўз тарихини сўзлаб берди. У нотаниш киши уни қандай қилиб ўғирлик қилишга мажбурлаганини гапириб берди. Боланинг сўзларига кўра, бу киши унинг ёнига бир шиша ароқ билан келган. Улар онаси учковлари ўтиришарди. Нотаниш киши боланинг онаси билан ароқни ича бошлайди. Шуниси қизиқки, она медиация ўтказилаетган бинода ҳам ухлаб қолди ва медиация кун тартибидан четда қолди, бироқ боланинг холаси унинг манфаатларини фаол туриб химоя қилди. Сўнgra бола бўлиб ўтган воқеа тўғрисида тартиб билан гапириб берди.

Жабрланувчи кўпроқ ўзининг сезгилари, бу унга қанчалар руҳий зарба бўлганлиги тўғрисида гапирар эди. У болага қандай ёрдам берганлиги ва унга яхши мунособатда бўлганлиги тўғрисида гапирди. Умуман, бутун медиация жараенида кўпроқ жабрланувчининг хиссиётлари билан ишлашга тўғри келди. У бола нима учун ўзига бундай мунособатда бўлганлигини билгиси келарди. Дўкон эгаси очиқ одам бўлиб, бошидан ўтган барча хафагарчиликлари тўғрисида айтиб берди.

Ўспирин аввалига жуда чўчиди, бироқ медиация маросимининг тартиб қоидалари қабул қилингач, у ўзини хавфдан ташкарида эканлигини сезди. Қолаверса, дўкон эгаси ундан ўч олмаслигини очиқ ойдин айти, лекин болани бу жиноятни қилишга мажбур қилган хақиқий сабаблар тўғрисида билгиси келди.

**3. Кун тартибини ифода этиш.** Медиатор томонларга фактларини турли шарҳлашлардан ажрата ола билиш ва маросим давомида муҳокама қилинадиган муаммоларни ажратиб олишга ёрдам беради. Бунинг учун ҳар қайси томонинг фикрлари қаралади, қайсинаси факт, шунчаки фактнинг шарҳи эканлиги аниқланади.

### Иккинчи боскич: Кун тартибини ифода этиш

Томонлар билан олиб борилган тайёргалик ишлари, шуниндек медиациянинг тартибига тўла амал қилиш қарама-қарши томонлар ўртасидаги мунособатларини бир мунча юмшатиш имконини берди. Музокара давомида ўғирлиқда болани жиноят қилишга унданотиш кишининг иштироки чукур ўрганилди.

Дўкон эгаси хиссиётларга берилсада, тажовузкор бўлмади. Медиатор сўзлашув давомида шундай мухитни яратиб бердики, томонлар бир-бирларини диқкат билан тингладилар ва бахсни тинч йўл билан бартараф этишни чин юракдан хохлаётганликлари билиниб туради.

**4. Қарорни танлаш ва баҳолаш.** Медиатор томонлар кучларини тенглаштиришга ҳаракат қиласди, уларни ўйлашга, ҳаракат қилишга, ҳамкорлик позициясида туриб, музокараларни олиб боришга ва ўзларининг шахсий манфаатларига ҳам, бошқа томоннинг манфаатларига ҳам мос тушадиган қарор қабул қилиш йўларини излашга ундейди. Медиатор билдирилган ғояларга асосланиб, иштироқчиларга ҳар иккала томон (ёки кўпчилик) рози бўладиган қарорга келишга кўмаклашади. Бундан ташқари медиатор иштироқчилар билан бирга бу қарорларни амалга оширишдан юз бериши мумкин бўлган оқибатларни кузатиб боради, бу қарорларни ҳар бир

томон учун кутилган ва исталган натижалар билан таққослади. Агар тадбир довомида хиссиётлар устун келса ёки музокаралар боши берк күчага кириб қолса, медиатор томонларга ҳар бири билан алоҳида гаплашиб кўришни таклифқилиши мумкин. Медиатор улар ўзаро муҳокама қилишга рози бўлмаётган у ёки бу аҳборот тўғрисида фикрлашиб олиши мумкин. Ана шундай алоҳида-алоҳида ўтаётган махфий учрашувлар иккинчи томонга фақат биринчи томоннинг розилиги ва ҳоҳиши билангина билдирилади.

### **Иккинчи босқич: Қарорни танлаш ва баҳолаш.**

Томонларнинг позицияси аниқ бўлгандан кейин жараён қатнашчилари бу вазиятдан қандай чиқиш тўғрисида гапира бошладилар. Она ўғирланган пулни тўлаб беришга тайёр эканлигини айтди. Бу ерда болани ҳам масъулятни бўйнига олишга жалб қилиш мухим.

Боланинг холаси она-болани ишга олишга, уларга иш хақини кафолатлашга тайёр эканлигини билдириди.

Жабрланувчи ховуридан тушди ва ихтилофли вазиятдан чиқиш йўларини топишда қонун чегарасида ҳаракат қилди. Тадбирдан сўнг у бўлиб ўтган ходисанинг иги-жигигача ўрганди ва ўзини анча хотиржам тутди. У пулни бўлиб-бўлиб олишга рози бўлди. Унинг сўзига кўра, унинг учун пул мухим эмас ва уни албатта қайтариб олишга кўп ҳам интилмаётганини билдириди. У она-бала килаётган ҳаракатлари учун масъулиятни сезишини хоҳларди.

**5. Битимга эришиш ва ифодалаш.** Медиатор томонларга ўзаро мақбул битимга келиш ва уни хужжатлаштиришда ёрдам беради. Томонлар улардан бирортаси шартномани бузса оқибати қандай бўлишини муҳоками қилиб олишлари керак. Бу пировард шартноманинг бандларидан бири бўлиши керак. Шартнома яшовчан бўлиши учун у конкрет, аниқ, хақиқатга яқин, иккала томонга тушунарли бўлиши лозим. Баҳсга якун ясалгач, томонлар ёзма шаклда тинчлик битимини тузишлари ва уни имзолашлари керак. Томонлар тинчлик шартномасига имзо чекиш йўли билан ихтилофга барҳам берадилар ва бу шартномага боғланиб қоладилар. Илова 2. Тинчлик шартномаси матнининг намунаси.

### Иккинчи босқич: Битимга эришиш ва ифодалаш.

Шартлар аниқ бўлгач ярашиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Жабраланувчи она-бала холаси қўлида ишлаб юриб, ҳар ойда икки минг сўм тўлашга рози бўлди. Дўкон эгасига ўғирлик нотаниш одам иштироқида юз бериши катта таъсир кўрсатди.

Бола ўз навбатида оқлаш дастурини ўташи керак эди. Медиаторлар томонидан операциянинг қилинишига ёрдам кўрсатиш таклиф қилинди (улар кўнгилли равишда бу масалада иложи борича ёрдам беришга ваъда қилдилар).

Учрашув ниҳоясида дўкон эгаси мутлақо хотиржам бўлди ва уни тўлқинлантираётган барча саволларга жавоб олганлигини айтди.

*Медиациядан кейинги холат босқичи ўз ичига томонлар ўртасида келишилган шартноманинг ижроси устидан назорат килишни олади. Мазкур босқич доирасида шартномани амалга оширишда аниқланган муаммоларни мұхокама қилиш учун иштирокчилар билан алоҳида-алоҳида ёки құшма учрашувлар үтказилиши лозим. Зарурати бўлса, қўшимча сўзлашувларни үтказиш керак.*

### Учинчи босқич: Медиациядан кейинги холат

Бахс медиация тадбири томонидан ҳал қилингандылығы мунособати билан оқловчининг расмий илтимосига кўра судда иш тўхтатилди.

Уч ой давомида оила дўкон эгасига пул тўлаб турди. Тўртинчи ойда улар холасининг кўлидан кетиб, муайян яшаётган манзилини яширдилар.

Медиаторлар бу масала бўйича жабрланувчи томонга мурожаат қилдилар. Шунда хўжайнин уларни кечирганлигини айтди. Унга жиной тартибда таъқиб қилишни давом эттириш хуқуқи тўғрисида хабар қилинди. Шуниндек жабрланувчи эришилган қарор доирасида қолган пулни уларга кафил бўлган холасидан ундириб олиши мумкин эди. Дўкон эгаси бундай қилишдан бош тортид ва уларни кечирганлигини яна такрорлади.

Бола операция қилинмади, чунки у онаси билан каерда яшаётганликларини аниклаб бўлмади.

Хозирги вақтда бу оиланинг тақдиди номаълум, шуниндек бола ва унинг касали тарихи тақдиди ҳам номалум.

## МЕДИАЦИЯДАГИ ТАДБИРЛАР МАЖМУАСИ:

### 1. Медиацияга тайёргарлик

- Медиация таклифи
- Медиаторни танлаш
- Медиация ўтказиладиган жойни иштирокчилар таркибини ва ўтказиш стратегиясини аниқлаш

### 2. Медиация

- Кириш
- Томонларнинг кириш сўзлари
- Кун тартибини ифодалаш
- Қарор танлаш ва баҳолаш
- Битимга эришиш ва ифодалаш

### 3. Постмедиация

- Битим ижроси устидан назорат

## ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

**Яхши мухитни яратиш.** Қарама-қарши томонлар ихтилоф билан бевосита алокаси бўлмаган жойга тақлиф қилинади. Агар, корхонада юз берган ихтилоф тўғрисида сўз борса, учрашадиган жой ҳеч қачон иштирокчилардан бири ишлайдиган бюорода ёки бинода бўлиши мумкин эмас. Суҳбат нисбатан эркин вазиятда ўтиши лозим. Токи у иштироқчиларга доим баҳснинг салбий томонларини эслатмасин, улар янги-янги фикрлари билан очилсинлар. Бино шундай жиҳозланиш керекки, у қатнашчиларга ёқиб тушсин. Иштирокчиларни ўтказиш ҳам бинони жиҳозлаш масаласига киради. Уни шундай қилиш керакки, қарама-қарши томонлар ўзларини бир хил шароитда сезсинлар. Иштирокчилар бир-бирларини ва медиаторни яхши кўриш имкониятига эга бўлсинлар.

**Тақдимот.** Энг аввало, медиаторнинг юриш туриши ва биринчи сўзи мухим аҳамиятга эга. Унга энг бошиданоқ сир босмасдан, ишонч ва кооператив мухитни яратиб бериш керак. Бунинг учун кўпинча деталлар, масалан медиацияга барча келганлиги тўғрисидаги рағбатлантирувчи хабарни билдириш мухим. Медиатор ўзини таништиради, агар малол келмаса, қарама-қарши томонлар ҳам ўзларини таништирадилар. Шуниндек медиатор ўзининг фамилияси, касби ва касб маҳорати ёки аввалги иш тажрибаси билан бирга ўзининг шахси тўғрисида (оилавий аҳволи, бола-чақаси, бошқа майда-чуйдалар) эслатиб ўтиши, ўзи тўғрисида яна бирор нарсаларни айтиб бериш билан томонларни рағбатлантириши мумкин.

**Ишнинг аввалги аҳволи.** Медиатор аввалдан томонларнинг бирортаси билан маҳфий келишиб, бирор нарсаларни “тўқияпти” деган таассуротдан қочиш учун қатнашчилар жараённинг, биринчи алоқа ўрнатилганидан бошлаб то долзарб пайтгача,

боришини тасвирлаб берадилар, ўзларида бор ахборотларни ўқиб эшилтирадилар. Бахслашувчи томонлар бир хил тақдимотга хуқуқли бўлиши, медиаторлар уларнинг бирортасига афзаллик бериши мумкин эмас.

### **Кутилган натижани тасдиқлаш ёки тўғрилаш.**

Медиаторлар ахборот бир томонлама ёки янглиш олинган, олинмаганлигини аниқлаш учун баҳс қатнашчилари билан сұхбатлашадилар, бу маълумотлар тўғрилигини ёки улар бирор нарсанни аниқлашни исташ-истамасликларини сўрайдилар. Бу билан улар ўзларининг холисликларини, уларга ишониш мумкинлигини исботлайдилар. Шу ўринда, маълум вазиятни хисобга олиб, медиация қатнашчиларидан улар нималарни кутаётганликларини сўраш фойдадан ҳоли эмас. Агар иштирокчилар хақиқатга тўғри келмайдиган нарсанни кутган бўлсалар, буни кейинги босқичда тушунтириш мумкин.

**Медиация услубларини тушунтириш.** Хатто, агар бу нарса олдиндан ўтказилган босқичда рўй берган бўлсада, медиация технологиясини, медиаторларнинг ролларини ва асосии қоидаларини яна бир карра тушунтириш зарур. Томонлар бу ерда нима мухим ва нимани кутса бўлади, аниқ билишлари лозим. Бундан ташқари бу ерда шундай тартиб борки, барча томонлар бир хил ахборот оладилар ва уни бир хил тушунган холда қабул қилишлари керак. Медиациянинг бориши майда-чуйдаларигача эмас, атрофлича тушунтирилиши керак. Қарама-қарши томонлар қандайдир даражада қачон нима қилишларини билишлари, масалан, керакли пайта, муаммоларни ҳал қилиш юзасидан ўз таклифини айтишни билиши мухим. Медиаторлар бу жараённи кузатиб бораётганликларини, бунинг учун улар масъул эқанликларини, агар зарур болиб қолса, бирор нарсанни кейинроқ муддаттага жилдиришлари мумкинлигини тушунтирадилар. Ана шу баённома туфайли иштирокчилар бундай аралашишларни кейинроқ тушуниш билан қабул қиласидилар.

**Тайёрлик ёки қаршилик.** Бу босқичнинг муҳим интиҳоси шундан иборатки, баҳслашган томонлар тушунтирилган технологияга ва тартибларга бўйсунишга тайёр эқанникларини билдирадилар. Бунинг учун ҳар бир қатнашувчидан алоҳида сўралади. Шахсан билдирилган тайёргарлик масъулятни оширади, кейинчалик одамлар ана шу қарорга хақиқий амал қиладилар. Агар бироз шубҳа ёки қаршилик бўлса, уни шунчаки менсимаслик ёки акс сабаблар ёрдамида чиқариб ташлайди. Диққат билан эшлитиб, бу шубҳаларни хақиқатдан эшлишиларини ва уларни жиддий кабул қилишларини аниқ равshan кўрсатиш мумкин. Шубҳаларнинг тарқатилишига шунинг ўзи етарлик бўлади. Кейинчалик шубҳаларни камайтириш ёки бартараф этишга қодир бўлган шартномаларга эришиш мумкин.

**Ишчанлик ва ташкилий масалалар.** Ташкилий, масалан: мажлисларнинг довомийлиги, сони, қачон танаффусни ташкил қилиш, чекиш каби масалаларни ҳал қилиб олиш керак. Агар медиаторларнинг навбатдаги тайергариклари учун ёки бошқа мақсадларда овоз ёзувлар ёки видео ёзувлар кўзда тутилган бўлса, буни муҳокама қилиб олиш керак. Шуниндек медиация жараёнини ёзиз олиш мумкинлиги тўғрисида ҳам келишиб олинади. Шуни тушунтириш муҳимки, бу фақат медиаторларга ёрдам сифатида, яъни айрим дақиқаларни эслаш ва қайта ишлаш учун амалга оширилади, бу езувлардан хеч бири жамоатчиликка билдирилмайди. Ёзув шундай амалга оширилиши керакки, бундан қарама-қарши томонларнинг эътибори ёзув амалга оширилган вақтда айтилган маълум бир фикрга қаратилмасин, аксинча ёзилмаган бошқа фикрлар эътиборсиз, деб тушунилади. Ёзувлар ё сездирилмасдан қилиниши, ёки бу вазифани сомедiator бажариши керак.

**Қарама-қарши томонларнинг айримларининг нуқтаи-назарлари.** Даставвал ихтилоф иштироқчилари нима учун келганникларини, улар нимани айтишни хохлашларини яна бир марта ўйлаб кўришга

чақирилади; зарурати бўлса ёзид олинади. Бу жараён тўғрисида кейинчалик гапириб берадиганлар учун анча енгиллик туғдиради. Бу босқичда баҳслашувчи томонларнинг юрагидаги борини тўкиб солишлари ва руҳан енгиллашлари, медиатор ва ихтилофнинг бошқа томони ўз навбатида баҳс қатнашчисининг хулқ-авторини янада чуқуроқ тушуниши мухимдир. Холис учинчи томоннинг иштирокида шу вақтгача айтилмаган кўп нарсалар аниқланиши ва қарама-қарши томонлар бошқасининг нуқтаи-назарини биринчи марта тўлиқ эшитаётган бўлиши мумкин.

**Қарама-қарши томонлар ҳар бирининг нуқтаи-назари.** Тадбирга кўра, медиаторлар дастлаб ташаббус кўрсатиб, муаммоси билан медиаторларга мурожаат қилган томонга сўз беради. Агар ихтилофнинг бошқа томони жуда қизишган ва сабрсиз бўлса, яхшиси биринчи бўлиб унга сўз берган дурустрок. Чунки бундай ҳолатда у қарши томоннинг сўзларини эшлишиши амри маҳол. Бошқа варианти шундаки, дастлаб сўз бир мунча заиф томонга берилади. Холбуки, у тадбир бошиданоқ кучли томон сўзлари асоратида қолмасин. Сўзни эшлишиши керак бўлган томонга унинг вазифаси шунчаки ўтириш эмас, балки унинг олдида мураккаб вазифа турганлигини тушунтириш лозим. Улар диққат билан тинглашлари ва хатто тўсатдан айтилган бирор нарсага эътиroz билдиргиси келганда ҳам ўзини тута билишлари керак. Зарурати, бўлса ўз эътиrozларини унутиб кўймасликлари учун ёзгани уларнинг олдига ручка, қофозларни кўйиш мумкин. Гапириш навбати уларга келганда ўзларининг эътиrozларини ва тузатишларини билдиришлари мумкин. Пировардида, медиатор энг муҳим бандларни умумлаштиради ва резюме тўғри ва тўлалигини сўрайди. Агар йўқ бўлса, уни тўғрилаш ёки тўлдириш зарур. Агар тингловчиларда бирор аниқланиши керак бўлган савол туғилиб қолса, уни беришлари ва саволларга жавоб олишлари лозим.

**Умумийлик ва фарқни тушунтириш. Ҳамма ўз нуқтаи-назарини билдиргач, медиатор дастлаб баҳслашувчилар балки шу вақтгача тушуниб етмаган умумий жиҳатларни ажратиб олади. Улар бу нарсани**

яхши кўринисин учун катта қофозга ёзишлари мумкин. Томонлар қарши томоннинг барча талаблари ҳам уларнинг шахсий тассавурига ва манфаатларига зид келмаслигини тушуниши керак. Шундан кейин бахснинг кейинчалик сўз юритиладиган бандлари йиғилиб, ёзма равишда санаб ўтилиши керак. Ана шу бандлар устида ишлаш давом эттирилади.

### **Ихтилофни ойдинлаштириш/чуқурлашув.**

Балки аввалги босқичда кўпгина яширин ва эҳтиросли қизиқишилар билдирилиб, шунча ҳамфирликлар бўлгандур. Ихтилофни тушунтиришнинг бундан кейинги босқичига хожат йўқдир. Ундаи бўлса муаммони ҳал қилишнинг йўлларини излашни давом эттириш керак. Бироқ вазият шундай бўлиши ҳам мумкинки, учрашувнинг биринчи босқичида фақат фактлар санаб ўтилгандир. Шунинг ўзи ҳам кўп вақтни эгалаши мумкин. Медиаторлар бу фазада сўзларни бўлмаслигини ва тингловчиларни ҳам кузатиб боришлари керак. Чунки айримлар учун узоқ вақт гапиришга имконият бермаслик малол келади. Шу боисдан аникловчи масалаларга шошилмаслик фойдадан холи эмас.

**Фикрларни ўрганиш.** Медиаторлар мақсадли равишда кўпроқ сўраб билиш мумкин бўлган, уларнинг фикрича, бир мунча чуқур сабаблар топилиши лозим бўлган бандларга мурожаат қиласидилар. Медиаторлар муаммонинг сабабларини тезроқ тушуниш учун дастлаб оддий масалаларга мурожаат қиласидилар, вахолонки уларни оддий деб бўлмайди. Агар жуда тез ҳал қилиниши лозим бўлган масала бўлса, шундан бошлаш керак. Йўналтирувчи саволлар билан хиссиётлар, манфаатлар ва муаммонинг барча бошқа яширин сабаблари ўрганилади. Ихтилофни бундай тушунтирилиши иштирокчиларнинг ўзлари бу тўғрида гапиришларига ва ихтилофни янада чуқур тушунишларига ҳамда уни ҳал этилишига хизмат қиласиди. Қарама-қарши томонларга бу ўринда улар нимани айтишни ҳоҳлашлари ва ихтилофни қандай ҳал қилиш тўғрисидаги кўз қараашларини билдиришга имконият бериш лозим. Бу ерда уни амалга ошириш

мухим эмас. Башка томонларга ҳам хиссиётлар, манфаатлар ва башқа яширин саваблар түгрисида очик-оидин гапиришга имконият бериш керак. Шундагина ихтилоф мохияти оидинлашади, ўзаро ишонч ва тушуниш юзага келади.

### **Муаммоларни ҳал қилиш/қарорлар ривожи.**

Аввалги босқичларда қарама-қарши томонларнинг сабаб ва манфаатларини тушунтиришни шундай юзага келтириш керакки, барча қатнашчилар энди вазиятни икки томоннинг шунчаки кураши эмас балки умумий муаммо эканлигини кўрсинлар. Улар томонларнинг ҳар бирида уларнинг хулқ атворини асослайдиган, уларни ҳисобга олган ҳолда муаммони ҳал этиш йўлларини топишида эътиборга олиниши керак бўлган сабаб ва манфаатлари бор. Бахсни шу боисдан ҳамжихатлик билан ҳаракат қилганда тезроқ бартараф этиши мумкин. Мен қанчалар қарши томоннинг мақсадларини кўпроқ эътиборга олсанам, ўзимнинг интилишларимни шунчалар тезроқ билдираман ва мутаносиб жавобни оламан, дейиш билан иш чўзилади. Барча томонларнинг юксак манфаатларини қулай равишда қондиришга фақат томонлар бир-бирилари билан келишган ҳолдагина эришиш мумкин. Акс ҳолда максимал умумий фойда келтирадиган ва адолат критерияларига мос тушадиган қарорларни ишлаб чиқиш қийин бўлади.

**Эҳтимолга яқин хulosаларни йигиш.** Агар аввалги босқичда бу юз бермаган бўлса, медиаторлар умумий ихтилофни янада майда, специфик муаммоларга бўладилар ва улар устида ишлаш осонроқ бўлади. Дастребларни миаффақиятли натижалар кўзга кўринингчадан ҳам мураккаброқ муаммоларга киришиш мумкин. Ихтилофни тахлил қилиш довомида уни ҳал қилишнинг қатор йўналиш ва имкониятлари топилади. Энди улар яна бир карра эсга олиниши ва зарур бўлса ёзиш керак. Ҳал қилишнинг биринчи дуч келган имкониятига тўхталиш яхши бўлмайди, биринчи қарор энг яхши бўлиши қийин. Бунда катта миаффақият олиб келадиган янги жiddий тоялар кўринмай қолиб кетиши мумкин. Шу боисдан ҳал қилишнинг кўплаб имкониятларни қараш ва янгиларини йигиш керак. Бунда хатто

зиддиятли вазиятдан чиқишинг бир неча одатдан ташқари ғоялари ҳам бўлиб қолиши мумкин. Ғояларни тўплаш ва уларни ишлаш давомида, агар медиаторларда иштирокчилар ҳамон ҳал килишнинг муҳим бир ендошувини курмаётгандек тассавур ҳосил бўлса, бошқа таклифларни киритишлари ҳам мумкин. Бироқ бу зўрмазўраки шаклда бўлмаслиги иштирокчиларга ёқмаса, рад этиш имконияти берилиши керак. Масалан, медиатор ўз таклифини “агар, шундай қилсакчи...?” сўзлари билан бошлиши мумкин. Таклифнинг бундай билдирилиши “Мен сизларга бундай таклиф қиласман...”га қараганда масалани ҳал қилиш жараёнига озроқ таъсир кўрсатади.

**Қарорни баҳолаш ва танлаш.** Ҳал қилшнинг турли имкониятлари ва ғоялари тўплангач, улар сараланади ва баҳоланади. Айрим хақиқатга яқин бўлмаган, номақбул ғоялар дарров чизиб ташланади, қолганлари яна бир карра текширилади. Ғояларнинг ижобий томонлари ва уни яхшилашнинг бошқа имкониятлари тўғрисида саволлар бериш тавсия қилинади. Иккала томонга ҳам мақбул бўладиган битимга эришиш учун ҳаракатлар эркинлигини кенгайтириш максадида медиаторлар сухбат иштирокчилари билан ундан ҳар бирига келадиган манфаат салмофини ошириш лозим. Масалан, баҳслашувчи томонлар ҳозиргacha фойдаланилмаган молиявий кўмак ёки тежамкорлик имкониятлари аниқлансан. Услугба кўра, аввал барча томонлар бажариши лозим бўлган мажбуриятларни, сўнgra иштирокчиларнинг айримларигагина тааллукли бўлганларини санаб ўтиш мумкин. Хеч кимга ён босиш учун босим қилиб бўлмайди. Чунки акс холда эришилган битимнинг бажарилиши шубҳа остида қолади.

**Ишлов бериш.** Олдиндан танлаб олинган қарор янада жиддирок текширилади ва ишлов берилади. Бунинг учун кўшимча ахборот олиш ёки маслаҳат учун мутахассисларни жалб қилиш мумкин. Агар баҳслашаётган томонлар умумий бир қарорга кела олмасалар “бир матн услуги” яхшигина хизмат кўрсатиши мумкин. Мазкур услугуга кўра медиаторлар шубха ва таклифларга мос тушадиган матнни таклиф қиласдиларки, у сатрма-сатр ўзгартириллади ва ишлов берилади.

*Ихтилофлар билан ишлаш, Саймон Фишер.– Олмаота, 2001.*

*Медиаторлар учун күлланма, П. Муллажанов, Н. Алдашева, А. Султанов.– Бишкек, 2006.*

*Медиация: ихтилофларда воситачилик, Х.Бесемер.– Калуга, 2004.*

*Медиатор маълумотномаси. Дж. И.Биар и Эйлин Стиф.- З-е нашр, 1997.*

*Медиация босқичлари. Козогистондаги гуманитар-хуқуқ тушунослик университети фукаролик-хуқуқ интизоми кафедрасини даъвогари Конусова В.Т.*

*Медиация - баҳсларни ҳал килишининг муқобил тадбiri . Цисана Шамликашвили. – Москва, 2010.*

*Медиация алифбоси. Медиация ва хуқуқ илмий-методик маркази. - Москва, 2011.*

*Медиацияга таклифнома. Махтельд Пель. – Москва, 2009.*

*Иш юритувчилар учун медиация. Джон Кроули, Кэтрин Грэм. - Лондон 2007.*

*Ихтилофлик тушунос бўйича амалиёт, С.М. Емельянов.*

*Хуқуқий адабиётлар сайти [www.jurlib.ru](http://www.jurlib.ru)*

**Илова 1.**

**Қарама – қарши томонларга медиацияда  
қатнашиш учун бериладиган таклиф-мактубининг  
намунаси.**

Хурматли \_\_\_\_\_!  
*(ихтилоф томони)*

(медиация тадбирини  
үтказишни сўраган шахс ёки ташкилот кўрсатилиди),  
биз билан Сиз ва \_\_\_\_\_ (ихтилофнинг  
бошқа томони) ўртасида юз берган айрим муаммолар  
юзасидан алоқа ўрнатди биз вужудга келган вазиятни  
хал қилиш учун сизга чин дилдан ёрдам беришимизни  
билдирамиз.

Бизнинг ташкилотимиз томонларнинг бирортасини  
қабул қилмаган ҳолда холис учунчи томон сифатида  
Сиз билан ишлайди. Мутлақо холислик тамойилларини  
қўлланган ҳолда биз Сиз иккалангизга Сизлар  
томонингиздан адолатли деб қабул қилинадиган  
қарорни топишга ҳаракат қиласмиш. Биз иккала томон  
ва бизнинг икки медиаторимиз иштирок этадиган  
учрашувни ташкил қилишимиз мумкин. Сизларнинг  
ҳар бирингиз ўз нуқтаи-назарингизни билдириш  
имкониятига эга бўласиз ва кейингина Сизлар кўнгилли  
равишда амал қилишингиз мумкин бўлган битим ишлаб  
чиқарилади.

Бундай учрашув Сиз яшаётган манзилдан унча  
узовк бўлмаган жойда ва Сизга қулай бўлган вақтда  
уюстирилади.

Мен медиация тадбирини янада батафсилрок  
тушунтирадиган ахборот қўлланмасини илова қиласман.  
Агар Сиз телефон орқали қунғироқ қилсангиз, биз  
майда-чуйда масалаларни ҳам батафсил гаплашиб  
оламиз ва бизнинг ташкилотимиз Сизга қанчалар  
фойдали бўлиши мумкинлигини текширамиз

Мен Сизнинг фикрингизни билишдан миннатдор  
бўласман!

**Хурмат билан...**

## Илова 2. Тинчлик шартномаси матнининг намунаси

Медиатив битим №  
(умумий шакли)

(тузилган манзил) «\_\_\_\_\_» (тузилган сана) й.  
(тўла номи ёки шахснинг Ф.И.О )

номидан \_\_\_\_\_, асосида амал  
қиласди

бундан кейин “1-томон” деб аталади \_\_\_\_\_,

бир томондан, \_\_\_\_\_

(тўла номи ёки шахснинг Ф.И.О )  
номидан \_\_\_\_\_,  
асосида амал қиласди \_\_\_\_\_

бундан кейин “2-томон” деб аталади, бошқа томондан,  
бундан кейин “Томонлар” деб аталадиганлар қуйидаги  
Битимни туздилар.

## 1.Битим мавзуси.

1.Томонлар \_\_\_\_\_  
*(бахс ёки баҳслар мавзуси)*

масаласи юзасидан баҳс (-лар) га нисбатан  
 медиация тадбирини ўтказдилар. Медиатор  
 сифатида жалб қилинадилар (медиация тадбирининг  
 ўтказилишини таъминлаш юзасидан фаолият  
 кўрсатадиган ташкилот)

---

*(таъминлайдиган ташкилот номи ёки медиацияни  
 амалга оширадиган шахснинг Ф.И.О., манзили,  
 телефони, электрон почтаси)*

2.Медиация қуийдаги тартибда ўтказилди:

---

*(медиация тадбирининг ўтказилишини таъминлаш  
 юзасидан фаолият кўрсатадиган тегишли  
 ташкилот томонидан тасдиқланган медиация  
 ўтказиш тартибига суннилади)*

3.Медиация тадбирини ўтказиш муддатлари:

---

4. Медиаторларга медиация маросимни ўтказганликлари учун (медиация тадбирининг ўтказилишини таъминлаш юзасидан фаолият кўрсатадиган тегишли ташкилот(-лар) Томонларга бир хил ўлчамда улуш тўланди.

5. Медиация натижасида Томонлар келишдилар:

1-томон \_\_\_\_\_ мажбуриятини олади  
 2-томон \_\_\_\_\_ муддатда \_\_\_\_\_ хажмда (миқдорда),  
 2-томон \_\_\_\_\_ мажбуриятини олади  
 1-томон \_\_\_\_\_ муддатда \_\_\_\_\_ хажмда (миқдорда).

1-томон \_\_\_\_\_ хуқуқига эга 2-томондан  
 \_\_\_\_\_ муддатда \_\_\_\_\_ хажмда (миқдорда). 2-томон  
 \_\_\_\_\_ хуқуқига эга 1-томондан \_\_\_\_\_  
 муддатда \_\_\_\_\_ хажмда (миқдорда).

6. Мазкур Битимнинг мавжудлиги суд ёки третейск судига мурожаат қилиш учун тўсиқ бўлолмайди.

7. Мазкур Битим томонларнинг розилиги ёки томонлардан бирининг талаби бўйича ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шунингдек Битим куйидаги холларда муддатидан аввал тўхтатилади:

- томонлардан бирининг тугатилиши (ёки вафоти);
- суд хукмига кўра Битим амалининг тўхтатилиши.

8. Томонлар ўртасида мазкур Битим ижросига алоқадор баҳс юзага келган тақдирда томонлар уни музокора йўли билан ҳал этиш учун барча чораларни кўрадилар.

9. Белгиланган бахсни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаса, бахс \_\_\_\_\_

кўрилади.

(бахсни қарайдиган суд номи)

10. Томонлар мазкур Битим ёки унинг ижроси билан боғлиқ ҳар қандай ахборатни бошқа томоннинг аввалдан берилган ёзма руҳсатисиз эълон қилмаслик мажбуриятини олади. Тегишли қонунчиликка кўра, ахборот тақдим қилиш бундан мустасно.

11. Мазкур Битимда кўрсатилмаган бошқа масалаларда Томонлар конунчиликка амал қиласидилар.

12. Барча ёзма билдирувлар жўнатилади:

1 – томон қўйидаги манзилга \_\_\_\_\_;

2 – томон қўйидаги манзилга \_\_\_\_\_

13. Мазкур Битимнинг 16-бандида кўрсатилган маълумотлар ўзгарганда Томонлар бир-бирларини ёзма равишда \_\_\_\_\_ кун давомида хабардор қиласидилар.

14. Мазкур Битим у келишилган пайтдан бошлаб кучга киради. Мазкур Битим томонлар ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда ижро этгунлариға қадар амал қиласы.
15. Мазкур Битим бир хил кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди: ҳар бир томонга биттадан ва биттаси медатор учун (медиация тадбирининг ўтказилишини таъминлаш юзасидан фаолият кўрсатадиган ташкилот).
16. Туарар-жой ва банк реквизитлари (паспорт маълумотлар) Томонлар:

1-томон	2-томон
---------	---------

*Томонларнинг имзоси*  
1-томон

---

(\_\_\_\_\_  
М. Ж.)

2-томон

---

(\_\_\_\_\_  
М. Ж.)



Интернешнл Алерт (International Alert)  
346 Clapham Road, London SW9 9AP,  
United Kingdom, Буюк Британия  
Тел +44 (0)20 7627 6800,  
Fax +44 (0)20 7627 6900  
[general@international-alert.org](mailto:general@international-alert.org)  
[www.international-alert.org](http://www.international-alert.org)

“Халқаро холислик учун” Фонди (ХХФ)  
Уметалиев к. 27-36,  
Кирғизистон Республикаси, Бишкек  
Тел.: +996 (312) 91-07-57, 91-08-58,  
Факс: +996 (312) 91-08-57  
[fti@fti.kg](mailto:fti@fti.kg)  
[www.fti.org.kg](http://www.fti.org.kg)